



ҚАРОР РЕШЕНИЕ

“ 23 ” 10 2017 йил 1140 -сон

Зафар шаҳарчаси

Бекобод тумани статистика бўлимининг янги таҳрирдаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 690-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 87-сонли, Тошкент вилояти статистика бошқармасининг 2017 йил 28 сентябрдаги 56-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бекобод тумани статистика бўлимининг янги таҳрирдаги Низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Бекобод тумани ҳокимининг 2015 йил 30 мартдаги “Бекобод тумани статистика бўлимининг Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги 143-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Ҳакимов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



О.Исраилов

ASLIGʻA TOʻGʻRI
Bekobod tumani
Hokimligi